

Шерқўзиев М.М.
ТМИ доценти, и.ф.н.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация: *Инвестиция дастурларида муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиши босқичлари ва сарфланиши, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича режаслаштирилган маблағлар қиймати акс эттирилади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг ташкил этилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади.*


Аннотация: *В статье освещены проекты, реализация которых предусмотрена на определенный период в инвестиционных программах, этапы выполнения проектов и стоимость затраченных средств по регионам и отраслям. Это в свою очередь приведет к созданию новых рабочих мест и решению имеющихся в стране социальных и экономических проблем.*

Abstract: *Projects, which realization is provided for a certain period in investment programs, their stages of implementation and costs by regions and branches are covered in this article. It will lead in turn to creation of new jobs and help to solve social and economic problems which are available in the country.*

Инвестицион фаолиятни тартибга солишнинг амалий механизмларини такомиллаштириш учун давлат томонидан тартибга солиши ўз ичига қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш характеридаги чора-тадбирлар тизимини олиши керак. Улар эса давлат бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган, белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши зарур. Инвестиция фаолиятини тартибга солишда биринчи навбатда, унинг ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги ва узоқ муддат мобайнида амал қилиши билан, яъни ғоядан бошлаб, унинг то моддийликка айланишигача бўлган жараён билан изоҳланади.

Ўзбекистонда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар, миллий хўжалик юритиш тизимини бозор иқтисодиётига ўтказиш жараёни мувофиқ институционал асосларнинг қурилишига асосланди. Миллий иқтисодиётни қайта қуроллантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва инновацияларни кенг жорий қилиш орқали Ўзбекистоннинг ҳалқаро бозорларда ва меҳнат тақсимотида муносиб ўрин олиши учун инфратузилмавий барча ўзгартиришларнинг инвесторлар томонидан молиявий қўлланиши муҳим аҳамиятга эга. Яъни, юртбошимизнинг таъбири билан айтганда “... дастурий вазифаларимизни амалга оширишда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш устувор аҳамият касб этади. Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан

янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқ экани ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ”¹. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилишга шароит яратадиган меъёрий-ҳуқуқчилик асослари яратилиши лозим эди. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш сектори, инвесторлар ва қонунчилик базаси ўртасидаги ўзаро таъсир мавжуд бўлиб, институционал-ташкилий механизмлар ёрдамида инвестициялаш механизмларини ишга солиш мумкин (1-расм).



1-расм. Институционал, инвестицион, инновацион, ишлаб чиқариш ва бозор жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги².

Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2016 йилга нисбатан 119,2 % ёки 14975,0 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 24,7 %и ҳамда ўтган йил кўрсаткичига нисбатан 2,9 % пункт кўп) ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 45744,2 млрд. сўм ёки 2016 йилга нисбатан 103,7 % (жами инвестициялардаги улуши 75,3 %) инвестициялар ўзлаштирилди³.

¹ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.” Ўзб.Респ.Президенти И.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. - Тошкент: Халқ сўзи, 21.01.2013 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 10.04.2012 й. ПФ-4434-сон Фармони.

³ Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари

Шунинг учун, ушбу ҳолатга тўлиқ тушунилган ҳолда республикада қулай инвестиция иқлимини ҳосил қилишнинг институционал таъминотини ҳосил қилиш ва такомиллаштириш учун қатор меъёрий-ҳуқуқчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Биринчи ўринда, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг⁴ 31.05.1996 й. № ПФ-1467 Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.1997 йилдаги 336-сон Қарори⁵

қабул қилинганини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Ушбу ҳужжатлар асосида хорижий инвесторлар иштирокида корхона ташкил қилиниши тартибга солинди ва бошланғич ташкилий масалаларни ҳал қилишда қулайликлар туғдирилди. Ўзбекистон Республикаси Фармони⁶ биноан миллий иқтисодиёт учун муҳим қурилиш объектларига инвестиция киритилишига шароит яратилди.

Айрим ҳолларда хорижий инвестицияли корхоналар импорт маҳсулотларини сотиб олишларини осонлаштириш учун махсус қоидалари⁷ тасдиқланган бўлиб, улар ёрдамида хорижий инвестицияли корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур хом-ашё ва бутловчи қисмларни хориждан тўсиқсиз ва ошиқча харажатларсиз олиб келинишига имконият туғилди.

Инвесторларни биринчи ўринда - инвестиция объектлари ҳақида тўлиқ, ишончили ва тўғри маълумотлар қизиқтиради. Бунда, давлат томонидан ахборотлар очиқлигини ва инвесторлар қизиқтирган масалалар бўйича маълумот ола олишини таъминлаш юзасидан кўрадиган чора-тадбирлари аҳамиятли бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 06.01.1999 йилдаги 3-сон Қарори⁸ бунга мисол бўлиши мумкин.

Хорижий инвестицияли корхонани ташкил этишнинг асосий ва самарали кўринишларидан бири – бу қўшма корхона ташкил қилиш бўлиб, алоҳида ҳукумат қарорларида⁹ бундай ташкилотларнинг сонини ошириш ва уларга қўшимча имтиёзлар бериш масаласи бўйича аниқ чоралар кўрилган. Хорижий инвестицияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш фаолияти режали ва тартибли олиб борилиши, лозим бўлганда давлат томонидан хорижий инвестицияли корхоналарга амалий ёрдам берилишини таъминлаш

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 31.05.1996 й. N ПФ-1467 Фармони.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида» 02.07.2009 йилдаги 336-сон Қарори

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида» 09.02.1998 й. N ПФ-1924 Фармони

⁷ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 423-сон билан 08.04.1998 йилда рўйхатдан ўтказилган «Хорижий инвестицияли корхоналар ўз эҳтиёжлари учун импорт қиладиган маҳсулотларни белгилаш қоидалари».

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар жалб этилишини ахборотлар билан таъминлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 06.01.1999 йилдаги 3-сон Қарори

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қўшма корхоналар ташкил этишга хорижий инвестицияларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 11.10.2000 йилдаги 393-сон Қарори.

учун ихтисослашган алоҳида давлат ташкилоти зарур бўлади. Шунинг учун, билан Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти ташкил қилинган эди¹⁰.

Хорижий инвестицияли корхонани ташкил этишнинг асосий ва самарали кўринишларидан бири – бу қўшма корхона ташкил қилиш бўлиб, алоҳида ҳукумат қарорларида¹¹ бундай ташкилотларнинг сонини ошириш ва уларга қўшимча имтиёзлар бериш масаласи бўйича аниқ чоралар кўрилган. Хорижий инвестицияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш фаолияти режали ва тартибли олиб борилиши, лозим бўлганда давлат томонидан хорижий инвестицияли корхоналарга амалий ёрдам берилишини таъминлаш учун ихтисослашган алоҳида давлат ташкилоти зарур бўлади. Шунинг учун, билан Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти ташкил қилинган эди¹².

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор, тез ривожланиши ва давлатнинг фаол ижтимоий сиёсати аҳоли бандлиги ва реал даромадларини ошиб бориши, уларнинг турмуш фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, доимий аҳоли таркибида меҳнат ресурсларининг улуши мунтазам ортиб борган. Агар 2005 йилда доимий аҳолининг 54,9 фоизини меҳнат ресурслари ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 59,9 фоизга етган ёки 3,5 бандга ортган. Маълумки, меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли ва иқтисодиётда банд бўлган ўсмирлар ва катта ёшдаги аҳолидан шаклланади. 4-1 жадвалда келтирилган статистик маълумотлар таҳлили меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли сонининг 26,1 фоизга ортганлигини, аксинча иқтисодиётда банд бўлган ўсмирлар ва катта ёшдаги аҳоли сонининг 42,0 фоизга камайганлигини кўрсатади. Бундай тенденцияни меҳнат ресурслари шаклланиш манбаларининг доимий аҳоли ва меҳнат ресурслари таркибидаги улушининг ўзгаришида ҳам кузатиш мумкин. Таҳлил қилинаётган даврда (2005-2015 йй.) меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг доимий аҳоли таркибидаги улуши 54,5 фоиздан 58,0 фоизгача, меҳнат ресурслари таркибидаги улуши эса 98,7 фоиздан 99,4 фоизгача ортган бўлса, бу даврда иқтисодиётда банд бўлган ўсмирлар ва катта ёшдаги аҳолининг доимий аҳоли таркибидаги улуши 0,7 фоиздан 0,4 фоизгача, меҳнат ресурслари таркибидаги улуши 1,3 фоиздан 0,6 фоизгача камайган.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментини ташкил этиш тўғрисида” 05.03.2001 йилдаги 112-сон Қарори.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қўшма корхоналар ташкил этишга хорижий инвестицияларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 11.10.2000 йилдаги 393-сон Қарори.

¹² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментини ташкил этиш тўғрисида” 05.03.2001 йилдаги 112-сон Қарори.

лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарори қурилиш соҳасида иш ўринларини янада кўпайишига имкон яратди. Биргина 2017 йилда Дастурни молиялаштиришга 2 триллион 121,5 миллиард сўм йўналтирилиб, 15 мингта янги уй ва квартиралар қурилади. Бунинг учун янгидан ташкил этиладиган 500 дан ортиқ қурилиш корхоналарида қўшимча 30 мингта яқин иш ўринлари яратилади.

Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлсада, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш мараказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмийчилик билан боғлиқ¹³. Бундай ҳолат бандликка кўмаклашишнинг фаол сиёсат чораларини амалга ошириш, яъни иш ўринларини яратиш, аввало ёшларни ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш чорасини кўришга заруриятни келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш каби аҳолини иш билан таъминлаш борасида изчил давлат сиёсати амалга ошириб келинмоқда. Юқоридаги вазифаларни ҳаётга самарали жорий қилиш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилади.

Бугунги кунда аҳоли турмуш даражаси, унинг ҳаёт кечириш ва у учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжини шу неъматлар билан қондирилиш даражаси сифатида аниқланади. Аҳоли турмуш даражасини яхшилашда ишсизлик ва у билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш асосий мақсад қилиб қўйилиб, аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш орқали мамлакатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Шу мақсадда 2017 йилда аҳоли бандлиги Дастури лойиҳасида кўзда тутилган тадбирлар тўғрисида дастур параметрлари кейинги йилга белгиланган бюджет параметрлари, солиқ ва инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари, маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиши, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш дастурлари билан ўзаро узвий боғланган Дастурга мувофиқ келгуси йилда 389,3 минг нафар ва ундан кўп янгидан барқарор иш ўринларини ташкил этиш назарда тутилган.

Бунда инвестиция, маҳаллийлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ҳисобига 345308 иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

¹³ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак//Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь.

Инвестиция, маҳаллийлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ҳисобига 2017 йилда иш ўринларининг яратилиши, бирлик (2-жадвал)¹⁴.

Соҳалар бўйича	Лойиҳалар сони	Иш ўрни яратилиши
Қишлоқ хўжалиги	10058	55800
Чорвачилик	2992	18550
Паррандачилик	792	4756
Боғдорчилик	1126	7174
Балиқчилик	821	3079
Узумчилик	891	4366
Интенсив боғлар, иссиқхоналар, музлатгичларни ташкил этиш бўйича	1249	7480
Қурилиш ва инфратузилма	889	30000

Шунингдек хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ҳамда шахсий ёрдамчи деҳқон ва томорқа хўжаликларида, ўзи-ўзини банд қилиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Дастур доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 15,8 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш белгиланган. Бу эса 2016 йилга нисбатан 25 фоизга кўп.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузалари “Аҳолини иш билан биз учун нафақат иқтисодий, айти пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, иш берувчи ташкилотлар билан бир қаторда банк муассасалари ҳам бу ишга янада фаол жалб этилиши керак. Аҳоли бандлигини ҳал этишда туризмни ривожлантириш бўйича катта имкониятларни ҳам ишга солишимиз лозим” деб таъкидлаб ўтдилар.

Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида мамлакат ишлаб чиқаришининг ривожланиши учун инвестиция маблағларининг ўзи етарли эмас, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда инновацион инвестициялардан фойдаланиш, иқтисодиётда рақобат муҳитини кучайтириш, иқтисодиёт субъектларининг эркин фаолият юритишига имкон яратиш ва бошқа омиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

¹⁴ 2016 йил 13-декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатининг ялпи йиғилишида “2017 йилда аҳоли бандлиги дастури”.